



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
19 май
ШАНБА
№ 39
(12.467)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Йўллар текис ва равон бўлади

Мамлакатимизда маданий-маиший иншоотлар, таълим муассасалари, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш, йўллар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Буни Тошкент вилояти мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

– Вилоятимизда ўн минг километрдан ортиқ автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан 396 километри давлат, икки минг 324 километри маҳаллий аҳамиятга молик ва 6000 километрдан ортиги ички хўжаликлараро йўллардир, – дейди Тошкент вилояти молия бошқармаси бошлиғи Д. Ҳожиёв. – Жорий йилда 171,2 километр умумий фойдаланишдаги қарийб 180 километр халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик ҳамда 109 километр ички хўжаликлараро йўлларни қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бунга Республика йўл жамғармаси ва маҳаллий бюджетдан 121,2 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган.

Вилоятнинг ички йўллари таъмирлаш ишлари шаҳар ва туман ҳокимликларининг ободонлаштириш бўлимлари томонидан бажарилимоқда. Жорий йилда ички йўллари таъмирлаш учун 13 миллиард сўмлик давлат ортқ маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, бунинг асосий қисми хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари тўла ва жорий таъмирлашга йўналтирилади.

Айни пайтда вилоятнинг 14 туманидаги 224 объектада йўллари таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, юз километри йўллар асфальт қопла-

мали, 9,1 километрли тупроқ кўчалар тош тўкилган йўлларга айлантирилмоқда. Вилоятнинг 13 туманидаги 79 аҳоли пунктига янги шаҳар типидagi қўрғонлар мақоми берилган. Шундан 37 аҳоли пунктидаги 18,1 километрлик ички йўллари таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

– Урганишлар жараёнида ўтган йиллар давомида ички йўллари таъмирлаш асосий қисми таъмирталаб аҳолга келиб қолгани аниқланди, – дейди Янгийўл тумани ободонлаштириш бўлими бошлиғи Маҳмуд Шуқуров. – Жорий йилда ана шу йўллари таъмирлаш ишлари ҳамда 13 қўча йўллари тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Бунинг учун Республика йўл жамғармаси ва маҳаллий бюджетдан 818 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Яқинда танлов савдолари ўтказилиб, пудратчи ташкилотлар билан шартномалар тўзилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида йўллари, хусусан, хўжаликлараро ички йўллари таъмирлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса мутасаддилар зиммасига катта масъулият юклайди. Янгийўл тумани ҳокимлиги маъсуллари ҳам буни теран ҳис этган ҳолда иш юритади, йўллар бугунги кун талаби даражасига келтирилди, деб ишонамиз.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР



ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ОРТТИРИЛГАН ТАЖРИБА

Мустақил Ўзбекистоннинг моддий, маънавий бойликлари беҳисоб. Ер ости, ер усти маъданлари, қазилма бойликларини халқимиз фаровонлиги йўлига пойдор этишда қанчалар муваффақ бўлганлиги фидойи инсон-

лардан бири Турғунбой Сафаров "Ўзбекқўмир" очiq акциядорлик жамияти "Автомобиль тоғ-технологик транспорт" унитар корхонасида бульдозер машинисти бўлиб ишлайди.

Сазовор қилди. Унинг SАНТУ 67 русумли бульдозерида сўнгги 3 йилда корхонага келтирилган даромади 348 миллион сўмдан ортиб кетди. Турғунбой Сафаров ҳозирги кунда ҳам билмонд устоз, фаол жамоатчи сифатида эл-юрт эътиборида. Ҳамон равон йўллар қуриш билан банд.

Саида РАҲМОНОВА,
Собир ҲУФАРОВ
олган сурат.

Кўмир саноати ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бу ишчи 40 йилдан буён ўз вазифасини сикдикидан адо этиб келибмоқда. У қондан қазиб олинаётган тоғ жинслари ва кўмирнинг устки қисми-

ни очиш ҳамда ташишда иштирок этувчи автоуловларнинг қатнови учун равон йўллар қуришда энг маҳоратли хайдовчи ҳисобланади. Салобати тоғларни ларзага келтирувчи бульдозерни бошқариш-

нинг ўзи бўлмайди. Йиллар давомида орттирилган тажриба, кунт, сабот Турғунбой Сафаровни "Энг яхши бульдозер машинисти" сифатида касбдошлари, шогирдлари, фарзандлари хурмат-эътиборига

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ШАРТНОМА ОРҚАЛИ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши "Корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари орқали ижтимоий шериклик асосида олиб борилаётган ишларнинг инсон манфаатларини ҳимоялашдаги аҳамияти тўғрисида" мавзусида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида матбуот анжумани ўтказди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, меҳнат соҳасидаги муносабатларни самарали тартибга солувчи мустақил ҳуқуқий негиз яратилганини таъкидлашди.

Бугунги кунда, жамоа шартномаси иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий муносабатларни нафақат тартибга

солувчи, балки барқарорлаштирувчи меъерий ҳужжат сифатида тан олинмоқда. Жамоа шартномалари мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсунгани ва ходимлар сонидан қатъи назар корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тўзилади. Тадбир сўнггида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ОЧИҚ-ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Миллий матбуот маркази "Хусусийлаштириш жараёнида иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш, хусусийлаштиришнинг очiq-ошқоралигини таъминлаш ҳамда инвесторларга ишончли кафолатлар яратиш" масаласига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда Давлат мулки қўмитасининг асосий фаолият йўналишлари, 20 йил давомида эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар хусусида сўз борди. Президент қарори билан тасдиқланган хусусийлаштиришнинг янги дастури ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берилди.

Республика Президентининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга

оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони хорижий инвесторлар билан иқтисодийнинг етакчи тармоқларидаги ҳамкорликнинг янада кенгайтишида муҳим дастуриламал бўлаётгани таъкидланди.

Анжуман якунида "Биржа" иқтисодий газетаси эълон қилган "Давлат мулки қўмитаси фаолияти ҳақида энг яхши мақола" танлови ғолиблари тақдирландилар.

ЁШ ОИЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ПЙДЕВОРИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қўрай туман кенгаши "Аёллар қаноти" билан туман хотин-қизлар қўмитаси вилоят педагогика коллежида "Ёш оилалар — келажакимиз пойдевори" мавзусида тадбир ташкил этди.

Иштирокчилар оилавий ҳуқуқий муносабатлар, давлат ва нодавлат ташкилотларининг оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган савий-ҳаракатларини янада кучайтириш масалалари юзасидан фикрлашиб олишди.

Оила жамиятнинг ажралмас қисми экани, унинг ижтимоий вазифалари, ҳуқуқий

ва маънавий асослари, ҳуқуқиматимиз оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўз ҳимоясига олгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

ПОЛИОМИЕЛИТДАН САҚЛАНИШ ЧОРАСИ — ЭМЛАШ

Полиомиелит — ўткир юқумли касаллик бўлиб, бош миyaning турли бўлимлари зарарланиши билан кечади. Касалликни вирус қачиради. Вируслар оғиз ва нафас йўллари орқали тананга кириб, лимфа тўқималарига бориб жойлашади. Кейин қон орқали мия қулранг моддасининг олдинги шохларига боради ва шу жойни зарарлайди. Натижада нафас ва юрак фаолияти бузилиб, касаллик фожиасига олиб келиши мумкин. Полиомиелит касаллиги кўпроқ ёш болаларда учраши билан характерланади.



Маълумотларга кўра, Афғонистон ва Тожикистонда полиомиелит билан касалланган болалар кўп рақ қайд этилмоқда. Шу боис касалликнинг республикамизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган профилактик тадбирлар янада кучайтирилди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг "Европа ҳудудида ёввойи полиовирус тарқалишининг олдини олиш" дастурини бажариш мақсадида, шунингдек 2010-2011 йилларда ўтказилган миллий эмлаш кунларининг узвий давоми сифатида юртимизнинг қўшни давлатлар билан чегарадош Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида полиомиелит касаллигига

қарши эмлаш кунларини ўтказиш режалаштирилди. Миллий эмлаш 21-26 май кунлари ўтказилади. Бунда 5 ёшгача бўлган болалар касалликка қарши эмланади.

Вилоятимизда 264 минг 125 болани эмлаш режалаштирилди. Тадбирни ўтказиш учун шаҳар ва туманларда 629 та эмлаш пунктлари ташкил этилди. Унда вилоятнинг қарийб 1800 га яқин махсус тайинланган ўқувчи таълимчи-ёргарликдан ўтган тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқдалар. Полиомиелитга қарши вакцина "совуқлик занжири" асосида сақлаш ва ишлаш учун жойларда 547 та совутигич, 757 та совутигич сумкаларидан фойдаланилади. Эмлашдан сўнг турли нохуш жараён ва асоратлар қайд этилса, ёрдам кўрсатиш мақсадида 130

КЎРИК-ТАНЛОВ

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий Кенгаши ташаббусига кўра Мустаҳкам оила йили муноса-

бати билан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Онам айтган аллалар" мавзусида кўрик-танлов ўтказилмоқда.

ОНАМ АЙТГАН АЛЛАЛАР

Бу тадбирдан кўзда тутилган мақсад ўсиб келаётган ёш авлод орасида миллий урф-одатларимизни, қадриятларимизни тарғиб қилиш, халқ озаки ижодининг ранг-баранг намуналарини улар шурўига сингдиришдан иборат.

Ушбу кўриқнинг туман босқичи Паркентдаги 29-болалар мусика ва санъати

мактабиди бўлиб ўтди. Туманимиз мактабларидан келган ўқувчилар қадимий халқ кўшиқлари, алла, ёр-ёр ва айтишувларни маҳорат билан ижро этишди. Айниқса, улар тайёрлаган болани бешикка белаш, парвариллаш, алла айтиш каби сахна кўринишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. 26-мактаб

жамоаси кўрик-танловнинг ғолиби бўлди. Энг ёш иштирокчи 39-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Нилуфар Адашованинг чиқишлари йиғилганларга завқ бағишлади. Ғолиб ва қатнашчиларга таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмасининг совғалари топширилди.

У. УММАТАЛИЕВ.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра, аҳоли бандлиги масаласи ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини сақлаб қолаётганини алоҳида таъкидлади давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамаси мажлисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палата-

таси ва Сенатининг қарорлари билан тасдиқланган бандлик дастурида бу вазифани ҳал этиш йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилган. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши шу асосда 2012 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлади.

– Вилоят дастурига кўра, бу йил шаҳар ва туманларимизда 86,5 мингга яқин иш ўрни ташкил этилиши керак, – деди "Тошкент ҳақиқати" муҳбири билан суҳбатда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Шароф Каримов. – Янги иш ўринлари асосан кичик корхона ва микрофирмаларни, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик, уй меҳнатига қаратилган, фер-

мер хўжаликлари, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилас, ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига яратилмоқда. – Шу маънода дастлабки натижаларни қандай баҳолаш мумкин? – Умумий яқунлар 2012 йил бандлик дастури муваффақиятли бажарилишини кўрсатмоқда. Биринчи чорада 21 минг 91 та иш ўрни яратилиб, дастурнинг башорат кўрсаткичлари 106 фоиз бажа-

рилди. Уларнинг 70 фоизи қишлоқ ҳамда овулларда барпо этилган эътиборга лойик. Сийсий партиялар, маҳаллий ҳокимлик ва бошқа бошқарув идоралари, банк, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бандлик дастури ижроси йўлида ҳамкорлиги кучаймоқда. Зангиротда ногиронларнинг оилавий ва хусусий тадбиркорлик лойиҳалари қўллаб-қувватланапти. Оққўрғонда хотин-қизлар ишбилармонлик харакати-га кенг жалб этилаётир.

(Давоми 2-бетда).

ИШБИЛАРМОН ҲАҚИДА

ЎзАиДеп вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" Марказий банкнинг вилоят бошқармаси ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда "Ишбилармон ўқувчи" ва "Диплом билан бизнесга" лойиҳалари асосида коллеж битирувчиларига кредит олиш учун сертификатлар топширмоқда.

Битирувчилар бизнес-лойиҳаларининг аксарияти балиқчилик, асарчилик, чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган.

Умида ИСАЕВА.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Шароф Бурхонovich, бу жараёнларнинг йўналишлар бўйича якунларини таҳлил қилиб берсангиз.

Иқтисодийётни барқарор ривожлантиришда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, тўхтаб қолган корхоналар ишини қайта тиклашга бандлик дастурида кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

коттежлар, ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилапти. Умуман, йирик корхоналарни қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 2839 та янги иш ўрни яратилди.

Худудий инвестиция дастури доирасида уч ойда 16 та лойиҳага 32,9 миллион доллар инвестиция жалб қилиниб, 1600 дан орტიқ янги иш ўрни яратилди.

Бандлик дастури ижросини таъминлашда қизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ривожлантириш муҳим ўрин тутди.

устахоналари, сартарошхона, суратхона каби хизмат кўрсатиш шаҳобчалари барпо этилиб, 1048 ходим янгидан иш бошлади.

Мустаҳкам оила йилида бирор меҳнат тури билан шуғулланиши истаги бўлган кишилар, айниқса, уй меҳнати, оилавий хунармандчилик билан шуғулланиши хоҳловчи хотин-қизлар оз эмас.

Оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида уй меҳнати, кичик ва оилавий бизнесни ривожлантириш туғайли ўтган давр мобайнида 4550 та янги иш ўрни ташкил этилди.

саначи бугун картон қутилар ясамоқда, тикувчилик қилмоқда, ҳамда иккиламчи қоғоз буюмларни йиғмоқда.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ёрдамида уч ойда 13 мингдан зиёд фуқаро муқим ишли бўлди.

Бу марказлар ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ҳам жалб этмоқда.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра Саъдуллаев суҳбатлашди.

Кизил Ярим Ой жамияти вилоят ташкилоти ташаббуси билан пойтахтимиздаги Фафур Фулом номли истироҳат боғида "Саломатликнинг ёш дўстлари" XXXIII слёти мусобақалари бўлиб ўтди.



БИЛИМ ВА КҮНИКМАЛАР СИНОВИ



ларининг билим ва кўникмалари, тиббий ва санитария соҳасидаги тажрибаларини синаб кўриш ва ривожлантиришдан иборатдир.

нинг олдини олиш, доривор ўсимликларни қўллаш, йўл ҳаракати қоидалари, эркин мавзу шартлари бўйича куч синашди.

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ



МАҲАЛЛАНГ – ОТАНГ-ОНАНГ

Вилоятимизнинг кўпгина шаҳар ва туманларини Тошкент шаҳри билан боғлаб турадиган Қўйлиқ даҳасида "Парвона" маҳалласи бор.

Пойтахтнинг Миробод туманига қарашли бу худуд илгари колхоз-совхоз ерлари саналиб, тураржойлар деярли бўлмаган, – дейди маҳалла раиси Азиза Азимова.

Маълумки, ешларнинг буш вақтини тўғри ташкил этиш улар тарбияси, шунингдек оиладаги муҳитга ижобий таъсир этади.

Агросаноат ходимлари касабаси вилоят кенгаши вакиллари гўза парварлари билан банд меҳнатқашлар ҳузурда бўлиб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватламоқдалар.

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

«БИРЛИК» АҲЛИ ХУРСАНД

Пискент туманига "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят вакилларининг ташрифи барча қатори бизнинг "Бирлик" маҳалласи аҳлини ҳам беҳад қувонтирди.

Тани соғ, кўнгли хотиржам кишининг ҳаёти тўқис, меҳнати унумли бўлади, жамиятга кўпроқ фойдаси тегади.

Мехнат аҳли кўрсатилган ғамхўрлик ва чеқсиз эътибордан беҳад миннатдор бўлди.

манинг бепул дори-дармонлари тарқатилди. Лозим топилаган фуқароларга сўхат-гоҳларга йўланмалар берилди.

Сайёра ДАДАМАТОВА, Пискент шаҳри "Бирлик" маҳалласи маслаҳатчиси.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ҳамда "Кибрай кишлок хўжалик касб-хунар коллежи"нинг 2012 йил 18 майдаги 55-сонли хатига мувофиқ Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, Геофизика кўрғончаси манзилида сақланаётган "М-412" русумли, д/р 10 850 LLA бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

дан 16,00 гача қабул қилинади (13,00 дан 14,00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 18 июнь кунни соат 18,00.

бурияти уюлатилади. Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг ОАИБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 226 22000600571452011, МФО 01036, СТИР 200933850 ОКОНХ 83300. Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй. Телефон: 233-28-52. www.rmm.uz

РАҒБАТ

ДАЛАДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Вилоятнинг барча пахтакор туманларида гўза парварлиши – озиклантириши, яғналаси, қатор ораларини юмшатиши, бегона ўтлардан тозалаш ишлари уюшқонлик билан олиб бориламоқда.

раркунандалари хуруж ҳамда турли касалликларнинг олдини олишга ҳаракат қилинмоқда.

Агросаноат ходимлари касабаси вилоят кенгаши вакиллари гўза парварлари билан банд меҳнатқашлар ҳузурда бўлиб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватламоқдалар.

Шунингдек, туман санитария-эпидемиология хизмати мутахассислари ҳам пахтазорларга чиқиб, гўзани аҳолини назорат қилмоқдалар, – дейди агрорас-

ноат ходимлари касабаси вилоят кенгаши раиси Ҳақимжон Муродов. – Хуруж қилиши мумкин бўлган зараркунанда ҳашарот ва ёш гўза ниҳолларига жиддий зарар етказувчи касалликлар ҳақида фермерларга маслаҳат ҳамда амалий ёрдам бермоқдалар. Кенгашимиз, ушбу муҳим тадбирларни вақтида сифатли бажаришда жонбозлик кўрсатаётганларни моддий ва маънавий рағбатлантиришмоқда.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қўбрай туман СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2011 йил 12 июлдаги 240/2011-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, Май ҚФЙ худудидида жойлашган "Жаннат баҳори" ХФга тегишли, умумий кўчмас мулк майдони 1127,16 кв.м., ҳовли майдони 0,2792 Га бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й., № 361 сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, 3-даха, 1-уйнинг 1-қаватида жойлашган 79-сонли савдо дўкони қўйилмоқда.

"Халқ сўзи" рўзномасининг 15.05.2012 й., № 94 (5514) ва "Тошкент оқшони" рўзномасининг 14.05.2012 й., № 94 (12.155) сонларида берилган эълон бўйича Ўрта Чирчиқ тумани ва Бекобод шаҳар мулкларнинг тақдирини савдоси бўлгани учун қимматини маълум қилмаиз.

UZTELECOM «ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари диққатига: телефон рақамларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида шошилинч ва маълумотлар хизматига чиқиш алоқасига янги тартиб киритилди.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й., № 361 сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, 3-даха, 1-уйнинг 1-қаватида жойлашган 79-сонли савдо дўкони қўйилмоқда.

ТОМОРҚА – ТУГАНМАС ХАЗИНА

Қишлоқ аҳолисининг шахсий томорқа хўжаликлари халқ фаровонлигини ошириш, рўзгор мўл-кўлчилигини таъминлашнинг муҳим манбаидир. Бу соҳани юксалтиришда кўрсатилаётган эътибор ва ғам-хўрликлар туфайли томорқа хўжаликлари аҳоли даромадининг ошишига, бозорларимизни йилнинг тўрт фаслида ҳам сервитами озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга катта имконият яратмоқда.



КЎЧМАС ВА АВТОДЎКОНЛАР ЭЛ ХИЗМАТИДА

Шахсий томорқа хўжалиқларини ривожлантиришда кулайликлардан бири минерал ўғит етказиб беришнинг кенг йўлга қўйилганидир. Вазирлар Маҳкамасининг томорқа ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган қарори соҳани ривожлантиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят "Қишлоқхўжалиқимиз" акциядорлик жамияти қошидаги "Туябўғизким" шўба корхонаси вилоят махсус базаси ҳам катта ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, корхона деҳқон хўжалиқлари ва аҳоли шахсий томорқаларига минерал ўғитлар етказиб бериш учун жойларда минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан савдо қиладиган махсус дўкон ҳамда автодўконлар хизматини йўлга қўйди. Ҳозирги кунда Урта Чирчиқ тумани Корасув қишлоғи ҳамда Туябўғиз шаҳарчасидаги дўкон аҳолига ўндан ортиқ турда минерал ўғит сотаётган бўлса, вилоят бўйича мавжуд 41 та дўкон, шундан 3 та автодўкон вилоят туманларининг шахсий томорқа эгаларига шундай маҳсулотларни етказиб бермоқда.



сулотлари билан тўлиқ таъминлаш, янги бог-токзорлар ва интенсив боглар барпо этиш, яроқсиз бог-токзорларни реконструкция қилиш ҳамда сабзавот экинларини экиш тўғрисида "ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида шўба корхонаси белгиланган микдордаги минерал ўғитларни етказиб бериш юзасидан шартномалар тузди.

Томорқа ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида деҳқон хўжалиқлари ва шахсий томорқаларига минерал ўғит ва кимёвий воситаларни белгиланган муддатларда етказиб бериш учун "Ўқимбасаноат" компаниясининг топшириғига асосан "Туябўғизким" шўба корхонаси 2012-2013 йилларда жами 20 та янги чакана савдо дўконлари очиш ва 4 та кўча дўкон учун автоуловлар сотиб олишни режалаштирди.

Ҳозирги кунда корхона автодўкон учун битта "IZUSI" юк автомобили сотиб олди. Яна битта "KaMAZ" ва "Дамас" автомобилларига кўча дўкон учун ижара шартномалари тузилди.

Шўба корхонасида ишчи-ходимларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳам алоҳида эътибор берилиб, зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, 2011 йилда ишчи-ходимларга текис иссиқ овқат ташкил этиш учун 200 та товуқ боқилиб, 168 килограмм парранда гўшти ва 13 минг дона тухум етказиб берилди.

Мазкур корхонанинг директори Фуломсаид Очиллов. Шўба корхонаси 2011 йил давомида вилоят бўйича қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етказиб берувчи деҳқон хўжалиқлари ва шахсий томорқа эгаларига улгуржи ва чакана савдо орқали жами 6 миллиард 158,75 миллион сўмлик 15 минг 920,2 тонна минерал ўғит сотди. Шу жумладан, 52

минг 647 хонадонга 1 миллиард 265 миллион сўмлик минерал ўғит етказиб берилди. 2012 йилнинг ўтган 4 ойида 1 миллиард 565 миллион сўмлик минерал ўғит сотилган бўлса, шундан вилоятимиздаги 21 минг 937 хонадонга жами 990,7 миллион сўмлик минерал ўғит етказиб берилди. Бу эса аҳолининг

ўз томорқасидан олаётган озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайишига ва даромадлари ошишига хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида шўба корхонасининг

Қорасуваги минерал ўғитлар дўкони доимо гавжум; минерал ўғитлар автодўкони аҳоли хизматида.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.

«SPARETRA» МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан 23.02.2012 й., № 5375 1998 й. "Дамас", д/р. 11 Т 5408 автотранспорт воситаси такроран кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 8 696 700 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 5 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан куйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда: 1. 01.08.2011 й., № 7916 1982 й. "Москвич", д/р. 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 1 028 000 сўм. 2. 14.07.2011 й., № 7659 1986 й. "Газ-5327", д/р. 10 А 992 AA. Бошланғич баҳоси – 2 490 000 сўм. 3. 14.07.2011 й., № 7662 1992 й. "Ваз-2109", д/р. 10 D 8231. Бошланғич баҳоси – 5 231 000 сўм. Юқорида кўрсатилган мулклар Бекободсавдо МЧЖ омиборида сақланмоқда. Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан № 2902-04/6-ижро ҳужжати асосан 2007 й. "Матиз", д/р. 10 H 667 AA автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 11 800 000 сўм. Юқорида кўрсатилган мулк Тошкент шаҳар ИИБ ахборот марказида сақланмоқда Аукцион савдоси 2012 йил 19 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 19

июнь кунини савдога сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 4 июль кунини бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан суд департаменти вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхталади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АКИБ "Ипотека банк" Шайхонтохур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОАДИЙ-ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ (КЕЙИНГИ ҲАҚИҚАТИ) – СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН МОЛ-МУЛКНИ СОТИШ УЧУН САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ (ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Умумий шартлар:
Танлов ташкилотчиси – Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси. Очик танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади. Ўтказилаётган танловнинг мақсади – суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари қарори ижроси бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш; танлов ўтказиш Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносидан (Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй) 2012 йил 19 майдан ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади.
1) 2012 йил 25 июнь кунини соат 15.00-18.00 гача – Ангрэн, Олмалик шаҳарлари, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ, Урта Чирчиқ ва Паркент туманлари бўйича;
2) 2012 йил 27 июнь кунини соат 15.00-18.00 гача – Бекобод, Бўка, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Чиноз туманлари, Бекобод шаҳри бўйича;
3) 2012 йил 29 июнь кунини соат 15.00-18.00 гача – Чирчиқ шаҳри, Қибрай, Бўстонлик, Янгийўл, Зангиота туманлари бўйича танлов ўтказилиб, натижалари бўйича голиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов голибларини аниқлаш мезонлари
Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шахобчаси, назорат-касса машинаси ва терминаллар мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин. Куйидаги юридик шахслар танловда қатнашишга қўйилмайди:
– қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арасида бўлган;
– олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;
– охириги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.
Танловда голиб чиқишининг асосий мезонлари:
– истеъмолчи учун жойлашган жойнинг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);
– мол-мулкларнинг сақланишини, туркумлини, тоифаларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;
– мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;
– мавжуд яроқли техникаси;
– ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;
– кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.
3. Танловда иштирок этиш учун такдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:
– комиссия номига ариза;
– давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
– савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

– савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йил учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шақллар) нусхаси;
– савдо ташкилотидан назорат касса машинаси ва терминалларнинг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органлари маълумотномаси;
– савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
– савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10x15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атрофи, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);
– мол-мулкларнинг сақланиши, туркумлини, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10x15 ўлчамдаги рангли фотосуратлар (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
– савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;
– талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
– талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;
– кўрсатилган хизмат учун чегирмаси микдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган).
Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам такдим этилади. Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни такдим қилишлари мумкин.
Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса, унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.
Аризага талабгор томонидан такдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.
Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан такдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби:
Ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносидан (Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй, тел.: 263-50-65. Комиссия ишчи органи – ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан **2012 йил 20 июнь кунига қадар қабул қилинади.**
Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпишган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкларни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов"га деган белги билан юборилиши керак.
Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.
Белгиланган муддатда такдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбошисидан назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга такдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси.

Учтепа тумани ТСРҲИ томонидан 08.05.2012 йилда № 003117-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «SONIBQIRON INTER TRANS SERVIS» (ИНН 301314288, ОКОНХ 83100) масъулият чекланган жамиятининг устав фонди 101 000 000 (бир юз бир миллион) сўмдан 2 600 000 (икки миллион олти юз минг) сўмга камайганлигини маълум қилади.
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улугбек тумани ТСРҲИ томонидан 24.04.2009 йилда № 004850 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан олинган «TERMO ELIT» (ИНН 206836531) масъулият чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дونا бурчак тамга йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Зангиота туманида рўйхатдан олинган «KARIMOV BAXTIYOR RASHIDOVICH» ҳусусий корхонаси (ИНН 300079613) шу ном билан масъулият чекланган жамиятига ўзгартирилаётганини маълум қилади.
Даъволар Зангиота тумани, Чигатои Оқтепа ҚФЙ, Солиҳ Каримов кўчаси, 1-уй манзилида қабул қилинади.
Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 5-умумтаълим урта мактаб томонидан 2005 йилда Эшматов Иброҳим Абдураҳимович номига берилган U 1599185 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Respublika Mulk markazi" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошириш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!
Аукцион савдосига такроран Бекобод шаҳар суд ижрочилиги бўлими томонидан "Бекободсавдо" омиборхонасида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:
1. "М-412 ИЭ" русумли, д/р 11G4538 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.02.2010 й., №850. Бошланғич баҳоси – 483 546 сўм; 2. "Ваз-2101" русумли, д/р 11Q4625 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.04.2009 й., №3276. Бошланғич баҳоси – 961 366 сўм; 3. "М-412" русумли, д/р Ж91-911ТШ бўлган, 1971 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.05.2010 й., №5446. Бошланғич баҳоси – 350 005 сўм; 4. "Заз-968-М" русумли, д/р 11S1813 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 19.03.2010 й., №1618. Бошланғич баҳоси – 156 607 сўм; 5. "Уаз-452" русумли, д/р 11V9639 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.08.2010 й., №7317. Бошланғич баҳоси – 425 153 сўм; 6. "Газ-24" русумли, д/р 11U7834 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.01.2010 й., №14. Бошланғич баҳоси – 298 186 сўм; 7. "Газ-3102" русумли, д/р 10Z934СА бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.08.2011 й., №7863. Бошланғич баҳоси – 6 253 200 сўм; 8. "Зил-130В1" русумли, д/р 10Y267AA бўлган, 1978 йилда и/ч Бекобод шаҳар ИИБ

АМТФКМНБ жарима майдонида сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.06.2011 й., №7249. Бошланғич баҳоси – 7 688 457,98 сўм.
Аукцион савдолари 2012 йил 5 июнь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.
Такроран ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 1 июнь кунини соат 18.00.
Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

XXI аср дунё

АЛЬЦЕЙМЕРГА ҚАРШИ КУРАШ

АҚШ Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар вазирлиги тарқатган маълумотларга қараганда, мамлакатда альцгеймер хасталигига қарши курашишга оид янги қонун жорий этилиб, бу борада қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Уларга кўра, ушбу касалликни даволашда кўп қилганидан препаратларни яратиш, кадрлар малакасини ошириш ва хасталикни бошланғич босқичларида аниқлаш оладиган тиббиёт ускуналарини ихтиро қилиш режалаштирилган. Жорий йилда касалликка қарши янги инсулин ишлаб чиқилди. Мамлакат ҳукумати ушбу препаратни яратишга 7,9 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфлади.

Марказий асаб тизимининг бузилиши оқибатида юзага келувчи альцгеймер мердан айна дамада АҚШда 5,1 миллион киши азият чекмоқда. Бундай беморларнинг хотираси ёмонлашди ва фикрлаш қобилиятини йўқотди. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, дунёда бу касаллик билан тахминан 27 миллион киши оғрийди, 2050 йилга бориб уларнинг сони тўрт баробар кўпайиши мумкин.

ИШ ҲИСОБИ – РОБОТЛАРГА

Япониянинг "Сапон" компанияси рақамли фотоаппарат ишлаб чиқарувчи заводини автоматлаштирди.

Энди ушбу компания маҳсулотларини ишчи роботлар ишлаб чиқаради. Агар мазкур лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, 2015 йилга бориб компаниянинг яна учта корхонасида робот ходимлари иш бошлайди. "The Mainichi Daily News" нашрининг ёзишича, ўринларини машиналар эгаллаётган ишчилар энди маҳсулот сифатини назорат қилиш билан шуғулланади.



НИГОҲ

ЭРКИНЛИК УЧУН «ЭРКИН» КУРАШ

Тожикистоннинг Сўғд вилоятида миллитлараро муносабатлар кучайиб бораётгани кузатишмоқда. Шу мамлакатда яшаётган этник ўзбеклар ҳуқуқлари топталётгани масаласи яна диққат маркази.

га кўчди. Маълумки, Спитамен туманида яшовчи ўзбеклардан тушган ариза вилоят ҳокимлиги, прокуратура ва ички ишлар бошқармасида ҳамон эътиборсиз ётипти.

Этник ўзбекларнинг минтақа ҳокимлигига муносабат қилишларида Тожикистон Республикаси муқтадиллигини байрам қилиш кунларида Спитамен туманида юз берган жанжалли воқеа сабаб бўлди. Ушунда Янгиобод қишлоғида ташкил этилган халқ сайиллари доирасида эркин кураш бўйича ҳаваскор полковлар ўртасида мусобақа ўтказилди. Унда маҳаллий ўзбеклар вакили Пўлат Пўлатов галаба қозонди.

ҳаллий аҳолининг тожикистонлик ўзбекларни мудом камситишлари уларнинг жон-жонидан ўтиб кетган эди. Абдушукр дўстлари билан Пўлатовни аямай калтаклаган "спортчилар"ни қидириб топди. Ушбу "учрашув" натижасида зўравонларнинг саккиз нафари "тегишли улус"ни олди. Албатта, тожиклар ҳам ўзларини "адолатли қарор топтириш"га киришишлари табиий эди. Узок ўйлаб ўтирмай, бир неча ўн кишидан иборат оломонни тўплаб, Янгиободга йўл олишди. Мақсадлари кишлоққа ҳам, аҳолининг этник ўзбеклардан иборат қисмини ҳам "ер билан битта қилиб текислаб ташлаш" эди.

Аммо, курашда енгилган тожик полковлар асосан тожиклардан иборат бўлган нуфузли жюрининг одилона қароридан норози бўлдилар. Улар мусобақа натижалари эълон қилиниши биланқў 37 ёшли П. Пўлатовга ҳужум қилдилар. Ўн чоғли тожиклар муштлашув жараёнида голиб полковга кўплаб оғир тан жароҳати етказдилар, қайсики, охири-оқибатда курашчи ногирон бўлиб қолиши мумкин. Тушунарлики, ўзбекларни ношочора қувғин қилиш, таъкиб этиш Тожикистон ҳукуматининг ички сиёсатида устуворлик касб этган бир шароитда ҳеч ким голиб курашчи тарафини олмайди, ҳеч бўлмаса муштлашувни тўхтатишга уринмайди.

Бирок, эътироф этиш керакки, Тожикистоннинг куч қўловчи органлари, афтидан, фақат давлат миқёсидаги байрамнинг этник миллитлараро қонли можабро билан бўлганидан чўчигани учун "марказ"ни вазиятдан оғоҳ этдилар. Натижада жанжал этиш Тожикистон ҳукуматининг Сўғд вилояти Расуллов ва Гафуров туманлари ички ишлар ходимлари, Чкалов шаҳри ва Миллий гвардия роталари ҳарбий хизматчилари сафарбар этилди.

Тўғри, оз бўлсада муштлашув ва қон тўкилиши юз берди, лекин, кенг қўлмадаги жанжалнинг вақтинча олди олинди. Аммо, энг қизиғи, икки томон ҳам тинганиб, содир бўлган воқеанинг асл илдиз қерда экани ойдинлашди.

КОСМОНАВТЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

АҚШ космонавти оқиқ фазода – вазнсизлик ҳолатида ҳам ичимлик ичиш мумкин бўлган дастали пиёла яратди.

Ушбу пиёла шакли жихатидан сув томчисини эслатади. Ихтирочиларнинг айтишича, мазкур янги идишнинг қиррали бурча-



БЕЗГАККА ҚАРШИ ПРЕПАРАТ

Франциялик олимлар безгак касаллигининг олдини олувчи янги вакцина яратдилар.

Шифокорларнинг таъкидлашича, ушбу вакцина инсон организмидagi иммунитетни ошириш ва қонга тушадиган бактерияларни йўқ қилиш хусусиятига эга. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, дунёда мазкур хасталик оқибатида одам йили миллионлаб одам ҳаётдан кўз юмади. Уларнинг ақсариятини ёш болалар ташкил этди.

ПОКИСТОНДА АВИАҲАЛОКАТ

Покистонда мамлакат ҳарбий-ҳаво кучларининг иккита самолёти ўқув-машғулот пайтида тўқнашиб кетди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига қараганда, Хайбер-Пахтунхана туманининг Наушер шаҳри ҳудудида рўй берган ушбу бахтсиз ҳодиса оқибатида тўрт учувчи ҳалок бўлган.

Ўза ва интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Ўрта Сирдарёнинг ўнг қирғоғи ва унинг ўнг irmoқлари бўлган Чирчиқ ва Охангарон дарёлари ҳавзасида жойлашган Тошкент воҳаси ҳамма замонларда Марказий Осиёнинг аҳоли зич жойлашган вилоятлари қаторида бўлган.

Гўзал ва бепоеъи бу воҳа Турон пасттекислиги бўйлаб ёстанган бўлиб, Тянь-Шань тоғларини ўраб туровчи баланд камар тизимига кирди. Фарбий Тянь-Шань тоғ тармоқлари ҳам шу ерда жойлашган бўлиб, Чотқол ва Курама тоғ тизмалари уларни уч томондан ўраб туради. Баланглиги 4000 метргача борадиган кенг тоғли жойлар Тошкент вилоятини Талас водийси ва Шимолий Фаргона билан довлонлар тизими орқали боғлаб туради. Юриш машаққатли бу жойларда бир марта бўлган киши ҳеч қачон эриб битмайдиган қор уюмларини, кўм-кўк товланиб туровчи яшил ўтлоқларни, мудом кўёш нурларига фарқ бепоеъ яйловларни бир умр унутмайди!

Тоғолди текисликлари ва водийларнинг табиати ҳам жуда гўзал, мафтункор. Дарё ва сойлар шу фусункор жойлардан гўё томирлардаги ҳаётбахш қондек оқмоқда. Она Табиатнинг бу қадар буюклиги билан катта харфларда битилишга аригувчи Инсон зотининг заковати, яратувчан меҳнати, жўшқин руҳияти ва маҳорати уйғунлашиб кетган.

Кўп асрлар давомида, қонли урушлар, табиий офат ва эпидемияларга қарамай, ерларга тинимсиз ишлов берилган. Аллоҳ инъом этган бунёдкорлик хислати ҳамма нарсани, хатто, балоларни ҳам енгган. Ҳукмдорлар, оқилу донолар, деҳқон усталар дунёнинг тарк этдилар. Аммо, улар ортида шаҳарлар, унумдор ерлар,

боғ-роғлар қолди. Билим қолди, буюк мерос – она Заминга муҳаббат қолди. Қадимий шаҳарлар... Уларнинг айримлари жадал, бошқалари асрлар давомида қурилди. Баъзилари урушлар оқибатида бутунлай, қолганлари бу буюк ҳаёт уммонини тарк этишни ёмонгаандек, аста-секин интаб-кўйиб битди. Айримлари ер юзидан

ҳарчага биринчи бўлиб қачон ва ким ном берганлигини билинмайди. Ҳа, бу нафақат жумабозорликлар, балки биз ва сиз, умуман кўпчилик учун ҳам номаълум шаҳардир. Аммо, шаҳар бор эди, унинг номи ҳам бўлган ва ер юзидан бошқа шаҳарлар қатори у ҳам ёрқин ва шовқинсурунли умрини яшаган.

Бу ерга 1929 йилда бичилар ўртасида жанг бўлиб ўтгани ҳақида ривоят сақланиб қолган. Жанг узоқ чўзилмаган, аммо дахшати кенган. Душман ҳарчанд уринмасин, шаҳарни забт этолмаган. Бирок, уни анчагина вайрон қилган. Пировардида куруқ қўл билан қайтган. Шаҳарнинг омон қолган аҳолиси ҳалок бўлган ҳамюртлари жасадаларини йиғиб,

ТИРИК ЕР НАФАСИ

бутунлай йўқ бўлди, бошқалари хароба ва култепалар ўрнида қайта тикланди. Чирчиқ дарёсининг юқори қисми шаҳарларнинг боғдорчилик маданияти билан уйғунликда ривожланиши учун жуда мос ажойиб ҳудуд эди. Бу жойлардаги айрим шаҳарлар тарихи ва тақдирини ҳақида биз кўп ҳикоя қилдик. Бугунги ҳикоямиз эса, Чирчиқ дарёси чан қирғоғидаги айрим қадимий ёдгорликлар ҳақида.



30 дан зиёд археологик ёдгорликлар бутун Юқори Чирчиқ тумани бўйлаб ёйилган. Хитойтепа, Қоратепа, Паранжигепа, Бардонқўтепа, Айвоzteпа, Шўртепа, Қўлқоратепа ва бошқалар. Чотқол-Курама археология отряди ўтган асрнинг 60-йилларида уларнинг айримлари-ни ўрганди. Аранчида икки чакрим масофада чиройли пирамида шаклидаги катта тепалик сақланиб қолган. Унинг атрофида, шимол ва шарқ томонида бир неча гектарлик кенгликлар ястаниб ётибди. Афтидан, бу шаҳар майдони ва асосий дарвоза бўлса керак.

Халқ уни Ботиртепа деб атайдди. Жумабозор қишлоғи одамлари бу номаълум шаҳар ташқарисига дафн этишган. Ҳозир бу жойнинг ярмига қишлоқ ҳўжалик экинлари экиляпти. Ярми эса бўш. Ҳамон бу ердан одамлар суяги топиляпти. Қарама-қарши томонда, шаҳар дарвозасидан чапда болалар қабристонини бор. Уни "Гўдақлар мазори" деб аташади. Болаларни алоҳида қабристонга қумишага нима сабаб бўлган? Шаҳарнинг илк аҳолиси қилган бу ишни уларнинг авлодлари ҳам нима учун давом эттиришганини қандай изоҳлаш мумкин? Энди биз бу сирсинаотлар хусусида ҳеч

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРА

Одам бир бора тойса, камдан кам ҳолатларда тойғаноқдан чиқиб кета олар экан. Бунинг учун унда қатт ирода, буюклимас қатъият, аниқ мақсад бўлиши керак. Лекин Чирчиқнинг 8-кичик туманидаги 66-ўйини 5-хонадонда яшовчи Константин Шарқовда хар уч фазилатнинг биронтаси ҳам топиляди. Ҳаётда ўзини ўнглаб олиш, рисоладагидек яшашга асло уринмай, ўзи тушиб қолган тойғаноқдан чиқиб кета омай, қайта-қайта тойса ҳам, пешонаси неча бор гурра бўлса ҳам, ҳамон тойиб-йиқилиб юрипти.

ТОЙҒАНОҚДА

ги ажримси бўйича жазонинг қолган 2 йил 4 ойини ўташдан овоз этилганидан кейин ҳали ўттиз ёшга етмаган, айни куч-қувватга тўлган бу йигит Чирчиқ шахрига қайтиб келиб, тўрт йилгина "тинч" юрди. Лекин енгил-елли яшаш, осонгина мўмай пул ортини хирси уни яна тойғаноққа судради. У Қозогистон Республикасининг Чимкент шаҳрида яшовчи синглиси Олеся билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳали балога етмаган Лилия исми бир қизни алдаб-сўлдаб Қозогистонга олиб чиқиб кетди.

Суд уни 6 йилга озоқликдан маҳрум этди. Энди у "унча оғил бўлмаган жойларда" тўрт йилга яқин қолиб кетди. Бу фурсат турмуш тарзини, буюғига қандай яшаш лозимлигини обдон мулоҳаза қилиб олиши учун етарли эди. У озми-кўпми ўйлаган ҳам кўринади. Чўчки, жиноят ишлари бўйича Томди туман судининг 2006 йил 9 мартда-

танишиб қолдик, – деди судда Лилия. – Уша оқшом унинг уйдаи ётиб қолдим. Эрталаб онаси Тошкентдаги мебель корхонасидаги иш ҳақида гап очди. Йилгиштириш, кир ювишга ярайсан, деди. Шу ўрнида айрим мулоҳазалар қилини ўйга толдиради. Аввало, балогаг ёшига етмаган бир қизнинг ўзи мутлақ билмаган хонадонда ту-

БИЛАСИЗМИ?

Ўқувчилар телефони Кубада мактаб ўқувчиларининг интернет тармоғига уланган мобиль телефонлардан фойдаланишни тақиклаш тўғрисида махсус дастур ишлаб чиқилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, кубалик ўқувчилар жуда кўп вақтини телефондаги электрон почта орқали хабар алмашишга сарфламоқда. Бу эса уларнинг фанлари ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатаётди. Мамлакат ҳукумати ушбу муаммони бартараф этиш учун элек-трончи махсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияларга болалар учун фақат суҳбатлашиш хизмати мавжуд мобиль телефонлар ишлаб чиқаришни тақлик қилди.

44 ёшли «сичқонча»

Компьютер сичқончаси 44 ёшга тўлди. Маълумотларга кўра, илк электрон сичқонча 1968 йил ихтирочи Дуглас Энгельберт томонидан яратилган. Егочдан ишланган ўша қурилмада битта тугмача бўлиб, унда фақат тахир қилиш мумкин эди. Айни пайтда ишлаб чиқарилётган компьютер сичқончалари ўнлаб функцияларни бажара олади.

Қоядаги тасвирлар

Франциядаги Абри Кастане горда қояларга ўйиб чизилган қадимий расмлар топилади. Мамлакатнинг Везер водийсидаги мазкур гордаги тасвирлар ўттиз етти минг ёшда. Сўнгги йилларда ушбу ҳудуддан ёши 28-40 мингга тенг минглаб ориньяк маданиятига оид артефактлар топи- ланган. Улар орасида қоя тошга ўйилган тўрт оёкли жонивор, аёл ва турли шаклдаги белгилар акс этган тасвирлар бор.

Жўрабек МУРОДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ	Манъазимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Қабулхона: Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 236-55-54. 233-54-10.	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва сақлаланди.	Навбатчи муҳаррир Равшан ЕҲЎБЖОНОВ Навбатчи Ирода НОРБОЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
--	---	---	---	--	--	---